



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (12.450)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЁШ МУТАХАССИСЛАР!

Мамлакатимизда автомобиль ва йўл саноати соҳалари учун замон талаблари даражасида юқори малака ва илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир.

Тошкент Автомобиль йўллар институти Ўзбекистонда автомобиль транспорти, йўл корхоналари ва автомобилсозлик заводалари учун бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади.

Яқинда ушбу олий ўқув юртида «Оқ йўл сенга, битирувчи» мавзuida талабаларга диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Унда битирувчи талабалар, уларнинг яқинлари ва ўқитувчилар иштирок этдилар.

Ўз мутахассисликлари бўйича тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фаолиятини бошлайдиган йигит-қизларнинг қувончлари чексиз.

Бугунги кунда институтида транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, касб таълими, ер усти транспорт ти-

зимлари, сервис, атроф-муҳит муҳофазаси, электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар, кўтариш-ташиш, йўл ва йўл қурилиши машиналаридан фойдаланиш ва таъмирлаш, автомобиль йўллари ва аэродромлар, транспорт иншоотларидан фойдаланиш, ташишларни ташкил этиш, транспорт логикаси ва менежмент каби факультетлар мавжуд.

Ўқув муассасасида талаба-ёшларнинг пухта билим олиб, автотранспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида мутахассис бўлиб етишшилари учун барча шарт-шароитлар жаҳон стандартларига мос ҳолда яратилган. Таълим йўналишида энг илгор педагогик тажрибалардан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Бонн шаҳрининг марказий майдонида Жаҳон халқлари маданияти халқаро фестивали бўлиб ўтди. Бонн шаҳри маъмурияти томонидан уюштирилган мазкур анъанавий тадбирда Германияда фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ дўстлик жамиятлари ва уюшмалари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда миллий маданият марказлари вакиллари қатнашди.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН БОНН ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ АНЖУМАНИДА

Хусусан, ушбу халқаро анжуманда Бонн шаҳрида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти томонидан республикамизнинг Берлин ва Франкфурт-Майндаги дипломатия ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорликда ўзбек халқининг кўҳна, бой ва бетакрор маданияти намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлкамизнинг тарихий, маданий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида атроф-лича тасаввур уйғотаётган Ўзбекистон миллий бўлмаси ушбу халқаро тадбир иштирокчилари ҳамда меҳмонлари билан гавжум бўлди. Чунки мазкур бўлмадан ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари ва миллий либослар намуналари билан бир қаторда, юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти, шунингдек, мамлакатимизда барча жабҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари ҳақида ҳикоя қиладиган ранг-баранг ахборот материаллари жой олган эди.

Фестивалда мамлакатимиз бўлмаси билан танишган айрим қатнашчилар «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан мулоқот чоғида ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

Жумладан, «Senior Experten Service» компанияси вакили Барбара Саба Ўзбекистоннинг ушбу халқаро анжумандаги иштирокини юқори баҳолади.

— Ўзбек маданияти, мамлакатнинг бой тарихий-меъморий мероси ҳамда

замонавий тараққиёти, шунингдек, Бонндаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг фаолияти, унинг Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлганимдан мамнунман, — деди у. — Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан муборакбод этаман, уларга бундан-да юксак фаровонлик ва ўз мақсадларига эришишда улкан муваффақиятлар тилайман.

Тадбирда олган таассуротлари ҳақида сўзлар экан, **Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт Франк Лемке** ҳар йили ўтказиб келинаётган Жаҳон халқлари маданияти халқаро байрами бу сафар ҳам дунёнинг турли мамлакатлари ва ташкилотлари вакиллари билан иборат кўп сонли иштирокчиларни ўз атрофига жаллаганини билдирди. Унинг фикрича, ушбу анжуман Бонн шаҳар маданий ҳаётида энг ёрқин воқеалардан бири сифатида кўпчилиكنинг ёдида қолади.

— Ишончим комилки, мазкур тадбир қатнашчилари ўз мамлакатлари миллий маданияти оммалашуви ва маданиятлараро мулоқотнинг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшмоқдалар, — деди у.

«Жаҳон» АА.
Берлин-Бонн

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Жейн Зиммерман раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишларда, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистонда Омбудсман институти ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Инсон ҳуқуқла-

ри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу институт нафақат фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши, балки қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилиши борасида ҳам салмоқли ишлар олиб бормоқда.

Музокарада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили кўплаб хорижий давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани, бу Ўзбекистондаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидан жаҳон жамоатчилигини кенг хабардор қилишга, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институтлар билан алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлик АҚШнинг халқаро алоқаларида муҳим ўрин тутди, — деди Жейн Зиммерман. — Ўзбекистон билан мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётгани бизни фойда қувонтиради. Омбудсман институтининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Ўзбекистонда ушбу соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган. Омбудсман фаолиятининг самарали бўлишида минтақавий вакиллар алоҳида аҳамият касб этаётгани эътиборга молик. Улар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётган.

Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар, Омбудсман фаолияти, унинг прокуратура, ички ишлар идоралари ва суд органлари билан инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу борадаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида

«Мустақиллик оҳанглари» мавзuida ўтказилган адабий-бадий йиғилишда бастакорлар ва шоирлар иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманида жойлашган «Туркқўрғон» маҳалласида «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзuida давра суҳбати бўлиб

ўтди.

✓ **БУГУН** «Туркистон» саройида «Яғонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кўқон шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётган бир гуруҳ ёшлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Таниқли эстрада хонандалари ва «Нихол» мукофоти совриндорлари ижросидаги куй-кўшиқлар барчага завқ улашди.

• Амударё туманидаги «Аму трикотаж» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган лойиҳага кўра, катталар ва болалар учун йилига 140 миллион сўмлик пайпоқ ва кўлқоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитойдан замонавий технологик линия келтириб ўрнатилган корхонада 8 киши меҳнат қилаётган. Корхонанинг дастлабки маҳсулотлари ички бозорда сотилмоқда.

• Гурлан тумани марказида лойиҳа қиймати 125 миллион сўмлик нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Оллошукур Маткаримов» хусусий корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда кунига бир тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, гурланликлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

• «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловларининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», «Агробанк» ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловларда 60 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-режаси, тақлиф ва лойиҳалари билан иштирок этди ва яқунда етти нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичига йўллانма олди.

• Чироқчи туманидаги «Чироқчи-Кварц» корхонасида кварцит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда Лангар тоғидан қазиб олинаётган мазкур хом ашёни қайта ишлаш натижасида ундан 4 хилдаги кварцит маҳсулотлари тайёрланапти. Эътиборлиси, келгусида туманда ушбу хом ашё асосида ишлайдиган йирик чинни заводини барпо этиш ҳам режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

• Италия суди Лотин Америкасидан келган ва наркосавдога алоқадорликда гумон қилинаётган 49 кишини қамоққа олишга санкция берди. Улар Эквадор, Перу ва Сальвадор фуқаролари бўлиб, ёши 19 дан 37 гачадир. Тергов-суриштирув маълумотларига қараганда, наркосавдогарлар кокаинни итлар ёрдамида Италияга Милан аэропорти орқали олиб ўтганлар. Яъни кокаинни махсус материалга ўраб (рентгенда кўринмаслиги учун), итларга ютирганлар ва Европага етиб келгач, уларни сўйиб, гиёҳванд воситаларни харидорга сотганлар.

• АҚШ маъмурулари мамлакат ялпи ички маҳсулотини муҳожирик соҳасидаги ислохотлар ҳисобига 5,4 фоизга оширишни мўлжаллашмоқда. Ислохотда кўзда тутилган 11 миллион ноқонуний муҳожирларнинг қонуний асосга ўтиши меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ҳажми, инвестициялар қўламини ошириш, иш ўринларини кўпайтириш ва инновацияларнинг ривожланишини рағбатлантиришга имкон яратади.

• Франция суди «Adidas» компаниясининг ҳамкорликдаги собиқ аъзоларидан бири Бернар Тапининг активларини хибсга олди. Унга фирибгарликка уриниш айби қўйилди.



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЁШ МУТАХАССИСЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тантанали маросимни институт ректори Мадамин Орипжонов кириш сўзи билан очар экан, битирувчиларни кутлаш баробарида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида автомобилсозлик ва транспорт коммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ва соҳада ёшларни иш билан таъминлашни борасидаги долзарб вазифа ва режалар ҳақида фикр билдирди.

Тадбирда сўзга чиққанлар автомобилсозлик соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар, кенг қўламда бажарилаётган бунёдкорлик ишларини қайд этиш, баробарида, республикамизнинг йирик ишлаб чиқариш автомобилсозлик корхоналарида битирувчиларга эҳтиёж юқори даражада эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, битирувчиларни келгусида салмоқли ишлар кутиб турибди ва улар келажақда иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналарида ўз йўналишлари бўйича фаолият олиб боришади.

Жорий йилда институтда 861 нафар талаба бакалавр, 113 таси магистратура босқичи бўйича мутахассис бўлиб етишишди. Шу билан бирга 48 нафар талаба имтиёзли диплом олишга мушарраф бўлди.

Тадбир давомида талабаларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, фарзандларининг шундай нуфузли

олийгоҳни тугатаётганидан мамнун эканликларини айтиб, устоз-ўқитувчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

— Мен бугун қаттиқ ҳаяжонданам, — дейди Тошкент Автомобиль йўллари институтининг «Автоматика механика» факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган талаба Дадаҳон Носиров. — Институтда ҳам назарий, ҳам амалий йўналишда ўз билимларимизни пухта эгаллашга ҳаракат қилдик. Келажакда мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг янада тараққий этишига ўз ҳиссасини қўйишга ва устозларимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

— Менинг ўғлим Улугбек Мансуров ер усти транспорт тизимлари факультетининг магистратура босқичини тугатди, — дейди ёш мутахассиснинг онаси Раъно Мансурова. — Ўғлим Улугбек ўқиш билан бирга Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ОАЖда муҳандис-конструктор сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унга институт кафедра-ларидан ҳам тақлифлар тушди. Она учун фарзанд камалини қўриш, унинг шодлиқларига шерик бўлишдан ортқ бахт борми бурич дунёда. Фурсатдан фойдаланиб Тошкент Автомобиль йўллари институти ўқитувчиларига катта миннатдорчилик билдираман.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Оилавий муносабатлар жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Зеро, оила барча даврларда ҳам давлат, ҳам жамият гамхўрлигига муҳтож бўлган. Оила қурилиши билан боғлиқ бўлган масалалар кўлами бевосита иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий омилларга таъсир этувчи мезон ҳисоблангани боис, ҳукуматимиз оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида, амалга оширилиши шарт бўлган вазифаларни давлат дастурининг устувор йўналишларига айлантирган.

Бугунги кунда давлатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш масаласи кун тартибидеда турибди, десак мубо-лаша бўлмайди. Маҳалла аҳоли учун энг яқин бўлган ижтимоий тузилма ҳисоблангани боис, аксарият оила-вий муаммоларни ҳал қилишда унинг бевосита ишти-рокини кузатамиз. Эҳтимол, шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 13-моддасида фуқаролар йиғини Кенгаши «... оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлоднинг тарбиялашдаги ролини оширишга қаратил-ган чора-тадбирларни» қўриши бўйича муайян вазифа-ларни амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилгандир.

Айниқса, охириги пайтларда оила-вий муносабатларнинг давом этиб, закомиллашувиغا жиддий пугур етказётган эрта никоҳлар, яқин қариндошлар орасидаги никоҳ, бунинг натижасида келиб чиқётган салбий оқибатлар, жид-дий муаммолар нафақат оила учун, балки маҳалла, қолаверса, бутун давлат учун ўз таъсирини ўтказ-май қолмайди.

Маҳалла фаоллари ҳар бир оилага эътибор ва гамхўрлик кўрсатиши, оғирини енгил қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи органлар билан ҳамжиҳатликда ишлаб келишмоқда. Бунинг нати-жасида туманда жойлашган маҳалла ҳудудларида нотинч оилалар, ичкиликка ружу қўйган шахслар, тарбияси оғир вояга етмаганлар назоратга олин-ган. МФЙ раислари, «Посбон» маркази раҳбари ва профилактика инспектори ҳамкорлигида бундай ин-сонлар билан профилактик суҳбатлар ўтказиб ту-риш йўлга қўйилган. Зарур ҳолатларда уларга му-раббий этиб маҳалла раислари, маслаҳатчилар, уй-бошилар ёки «Посбон» маркази раҳбарлари бирик-тирилади, тиббий муассасаларда даволанишлари учун тавсиялар берилади ва бу борада амалий ёрдам кўрсатиб борилади. Ичкиликка ружу қўйган-лар оила аъзоларидан хабар олиб туриш ишлари-га ҳам жиддий эътибор қаратилади. Бундан таш-қари туманда прокуратура органи ҳодимлари, мав-жуд ўқув муассасалари, маҳаллалар ҳамкорлигида вояга етмаган ёшлар ўртасида алкоголь ва гиёҳ-вандликнинг жиддий зарарлари борасида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига доир чора-тадбирлар режасида ота-оналарнинг фарзандларини тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маъна-вий-ахлоқий, социологик ва физиологик билимларини ошириш мақсадида маҳаллаларда «Ота-оналар уни-верситети»ни ташкил қилиш масаласи ўз ифодасини топади. Бугунги кунда мазкур университетлар ўз фаолиятини тўла равишда амалга оширмоқда. Уни-верситет машғулоти оила ҳуқуқи, оила маънавия-ти, иқтисодиёти, маънавий-ахлоқий тарбия, психоло-гия, оиланинг тиббий-биологик асослари, соғлом турмуш тарзи йўналишларида олиб боришмоқда. Шунинг-дек, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи

ота-оналар билан алоҳида ишлаш, нотинч оилалар, ўз жонига қасд қилиш, ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, ички-ликбозлик, вояга етмаган қизларни турмушга бериш каби ҳолатларнинг олдини олиш «Ота-оналар уни-верситети»нинг асосий мақсади ҳисобланади. Универси-тетнинг жамоатчилик мақомидаги раҳбари маҳалла фаолларидан бири бўлиб, у фуқаролар йиғинининг мажлисида сайланади. Унинг аъзолари ҳудудда ис-тикомат қилаётган ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, пси-холог, педагог, иқтисодчилар ҳамда кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга инсонлар, намунали оила вакиллари ёки ташқаридан тақлиф этилган мутахассислардан иборатдир. Мазкур университетнинг фаолияти мил-лий бошқарув тизимимизнинг нечоғли катта таъсир

Ислохотлар оқимида

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

кучига эга эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари томонидан ажримларнинг олдини олиш ва низолашайётган тарафларни яраштириш масаласида қатор ҳаракатлар амалга оширилмоқ-да. Сергели туманида 2013 йилнинг биринчи чора-гида фуқаролар йиғинига оилавий келишмовчилик-лар юзасидан ариза берган 36 нафар оилаларни «Яраштириш комиссия»сининг фаол иштироки билан яраштиришга муваффақ бўлинди. Яраштириш комиссияларнинг маҳаллаларда, оилаларда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбия-лаш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, дин-ий эҳтиромистик соғломга қарши курашиш, ички-ликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, оила-вий ажримларга барҳам бериш, миллий қадрият-ларимизга зид хатти-ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни аниқлаш борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Ҳар йили прокура-тура, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ма-ҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳам-корликда туман миқёсида оилаларнинг аҳоли ўрга-ниб қилиб, таҳлил этилади. Ўрганилган оилалар-дан моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожлари аниқ-ланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланади, фуқа-роларнинг иш билан таъминланиши эса алоҳида эътиборга олинади.

Таъкидлаш жоизки, давлат ва нодавлат органлари-нинг ҳамкорлигида фаолият асосидаги вазифа-са фа-қат низоли оилалардан келиб тушган аризаларни қўриб чиқишдан иборат бўлиб қолмай, балки низо-ни келтириб чиқарган сабабларни атрофлича ўрганиб,

Пойтахтимизда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан иқтидорли қизлар ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг етакчилик қобилиятини юксалтириш масалаларига бағишланган ижтимоий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Зулфия номидаги Давлат муко-фоти совриндорларининг аънавий анжумани доирасида ташкил этил-ган мазкур тадбирга сенаторлар, депутатлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари, иқтидорли ёшлар тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йиллари-да хотин-қизларнинг жамият ҳаёти-даги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислохот-лардаги иштирокини фаоллашти-риш, оила, оналик ва болалик ман-фаатларини ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий били-минини янада юксалтириш, улар учун муносиб турмуш ва меҳнат шарт-роитларини яратиш, илгор го-я ва ташаб-бусларини қўллаб-қувватлашда му-ҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон «Маҳал-ла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳара-кати марказий Кенгаши, турли вази-рлик ва идоралар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, бандлигини таъминлаш, таълим масканларидаги ўқитиш сифати, ўқувчиларнинг машғулоти-ларга иштирокини доимий асосда мониторинг қилиш, эрта

оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамдир.

Албатта, оилавий муносабатларни сақлаб қолиш масалаларини давлат ҳам ҳал этади, бироқ у бун-и стратегик кўламда — ҳуқуқий норматив ақларни қабул қилиб, давлат ҳокимиятига ҳос бўлган усул ва услуб-лар билан ижросини таъминлаш орқали амалга оши-ради. Жойларда эса бундай масалаларни тегишли оиланинг алоҳида вакилини ўрганган ҳолда туман му-тасаддилари ҳал этади.

Табиийки, нотинч оилалар сони ошиши оилавий ажримларнинг кўпайишига олиб келади. Маҳалла мас-лаҳатчилари, яраштириш комиссиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутасаддилари мазкур масалаларга долзарблик нуқтаи назардан ёндошмоқда. Мониторинг натижаларига кўра ажримларга ўзаро келишмовчилик, моддий етишмовчилик, ичкилик, ўзга юртга кетиш ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлмоқда дея қайд этилмоқда.

Маҳаллаларда фарзандлар соғлиғи, таълим-тарбия-сида ота-оналарнинг мажбуриятлари каби мавзулар-да ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари му-тасаддилари, психологларни давра суҳбатлари-га жалб қилиш орқали, шунингдек, турли хил талловларни таш-кил этиш орқали қатор тадбирлар амалга оширил-моқда. Ушбу масалаларнинг бар-часи 2013 йилга мўлжалланган бир қанча ташкилотлар билан ҳамкор-ликдаги чора-тадбирлар режаси-га киритилган. Мазкур тарғибот фаолиятининг ижобий таъсирини биз Сергели туманида 2012-2013 йилларда балогатга етмаганлар орасида никоҳ тузиш ҳолатлари қайд этилмаётгани мисолида таъ-кидлашимиз мумкин.

Қонунларни етарли билмаслик, бунинг оқибатида жиноий жавоб-гарликка сабаб бўлувчи омиллар-нинг юзага келишини бартараф этиш мақсадида Сергели тумани-да жойлашган 33 та маҳаллада мазкур иллатларга қарши курашишда прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, мутахассислар ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Тадбирларда қонунлар моҳияти ҳақида сўз юритилиб, уларга риоя этиш ва ҳаётда амалий мисоллар билан тушунтиришлар бериб борилади. Мисол тариқасида, 2012 йилдаги кўрсат-кичларга нисбатан 2013 йил кўрсаткичларининг па-сайишини ижобий ҳол деб баҳолаймиз, мастлик ҳолати-да содир этилган жиноятлар сони 50 тага, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 72 тага, ўқувчи-ёшлар жиноятчилиги 90 тага, шу жумла-дан аёллар жиноятчилиги 11 тага камайганлигини қайд этиш лозим.

Фуқаролар ўз ҳудудлари муҳити, ижтимоий иқли-ми, давлат органлари билан муносабатда бўлувчи тизимнинг фаол яратувчилари сифатидаги ролини англаб ва ўзларининг янги имкониятларини тушу-ниб етишлари борасида салмоқли ишлар олиб бо-рилмоқда.

Бугунги кунда, маҳаллий аҳолининг ўз ҳудудлари-нинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига оид турли масалалар мажмуини ҳал этиш, айрим ни-золарнинг ижтимоий натижаларини самарали бартар-ф қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламга жамоатчилик ёрдами-ни ташкил этишни амалга оши-риш, ҳудудлардаги аҳоли турмуш даражасининг ум-вий шартроитлари ва сифатларини яхшилашга, давлат ва нодавлат органларининг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкор-лигига қодир, дея ҳулоса қила оламиз.

Абдуқаҳҳор МУЛЛАЖОНОВ,
Сергели тумани прокурори

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Алоқа тарихи музейида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларининг синовий бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг бориши ва унинг ёритилишида ОАВнинг долзарб вазифалари» тўғрисида он-лайн-видеоконференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва комму-никация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилиб, Тошкент шаҳ-ри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ўртаси-да ўтказилган мазкур тадбирда ушбу ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш жараёни ҳақида сўз юритилди. Конференцияда депутатлар, ҳуқуқий тажрибани ўтказувчи Ишчи комис-сияси аъзолари, миллий экспертлар, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъул ҳодимлари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ҳуқуқий эксперти-ментни ўтказувчи Ишчи комиссияси аъзола-ри ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари эътиборини Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқли-ги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синовий бўйича ҳуқуқий экс-перимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойишининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Бухо-ро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий экс-периментни ўтказиш юзасидан амалга оши-рилган ишларга қаратишди. Ҳуқуқий тажриба ўтказиш жараёнида мазкур вилоятлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз фаолиятининг очиқлигини таъ-минлаш юзасидан ахборот фойдаланувчилари учун янги, қулай шарт-шароитлар очадиган ҳуқуқий тартибда ишлар ташкил этилгани таъкидланди.

Бевосита давлатимиз раҳбари Фармойи-ши асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги қонун нор-маларини Бухоро ва Самарқанд вилоятлари-даги ижроси бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг биринчи босқичи якунлан-ди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалала-ри кўмитаси аъзоси Нуриддин Муродов. — Якунланган биринчи босқичда ҳуқуқий экс-периментни ўтказиш бўйича ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Демак, тажрибани ўтказиш бўйича барча шарт-ша-роитлар яратиб бўлинди. Ҳуқуқий экспери-ментнинг иккинчи босқичи май ойидан амал-га оширилмоқда, бу босқичда бевосита мана шу қонун нормаларининг синов тариқасида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қўллани-лиши бошланди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳудудларида фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олиш фаоллиги ошди. Таъкидлаш ўринлики, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари қилинаётган ёзма ва оғзаки мурожаатлар сони кўпайиб бораётгани кузатилди. Давлат органлари то-монидан фуқароларнинг мурожаатлари, ах-борот олиш юзасидан сўровларига нисбатан масъулиятнинг кучайиши ҳамда ушбу фаоли-ятнинг самарадорлиги ошиши натижасида жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ҳар икки вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқа-руви органлари қелиб тушган мурожаатлар сони биринчи чоракка қараганда икки маро-таба ортиб, улар Самарқанд вилоятида 1514 та, Бухоро вилоятида эса 1230 тани ташкил этди. Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 41 та, Самарқанд вилоятида 59 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, улар томонидан ҳуқуқий эксперимент-нинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган 200 дан ортқ материаллар берилди.

Видеоконференцияда Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқа-руви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, улар томонидан идо-раларнинг Интернет тармоғидаги веб-сайт-ларини такомиллаштириш ва уларга жойлаш-тирилаётган маълумотларни қонун ҳужжатла-рида кўзда тутилган муддатларда янгилаб бо-ришни таъминлаш, ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъ-минлашга қаратилган матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш борасидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш даркор.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар оммавий ах-борот воситалари вакилларининг амалга оши-рилаётган ҳуқуқий эксперимент истиқболла-ри ва бошқа масалалар юзасидан берилган саволларига жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЯНГИ НОМЛАР

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси қарори билан пойтахтдаги баъзи кўча, коллеж ва истироҳат боғларининг номлари тартибга келтирилди. Қуйида уларнинг рўйхати эълон қилинмоқда.

№	Жойнинг ҳозирги номи	Жойнинг янги номи	Изоҳ
ШАЙХОНТОҲУР тумани бўйича:			
1.	Шоаҳмад Шомаҳмудов 2-тор кўчаси	Тошкўча 1-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обиназир» маҳалласи
2.	Шоаҳмад Шомаҳмудов 3-тор кўчаси	Тошкўча 2-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обиназир» маҳалласи
3.	Шоаҳмад Шомаҳмудов 4-тор кўчаси	Тошкўча 3-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обиназир» маҳалласи
4.	Шоаҳмад Шомаҳмудов 5-тор кўчаси	Тошкўча 4-берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обиназир» маҳалласи
5.	Номсиз янги берк кўчалар	Янги Жарариқ 1,2-берк кўчалари	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Эски Жарариқ» маҳалласи
СЕРГЕЛИ тумани бўйича:			
6.	Номсиз янги кўча	Ёрқин ҳаёт кўчаси	Кўча номини маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида. «Ёрқин ҳаёт» маҳалласи
7.	Номсиз янги кўчалар	Ёрқин ҳаёт 1,2,3,4,5,6,7,8-тор кўчалари	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Ёрқин ҳаёт» маҳалласи
8.	Номсиз янги берк кўчалар	Ёрқин ҳаёт 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11-берк кўчалари	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Ёрқин ҳаёт» маҳалласи
9.	Сайфи Олимов 2-берк кўчаси	Қумариқ 2-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Қумариқ» маҳалласи
10.	Шохрухия 2-берк кўчаси (такрор)	Қумариқ 3-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Қумариқ» маҳалласи
ОЛМАЗОР тумани бўйича:			
11.	Чимбой 2-берк кўчаси (такрор)	Эзгу берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Зиё» маҳалласи
12.	Уста Олим 2-берк кўчаси ва ушбу кўча йўналишида пайдо бўлган янги кўча	Чилтўғон 8-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Чилтўғон» маҳалласи
ЮНУСОБОД тумани бўйича:			
13.	Номсиз янги кўча	Янгикўрғон кўчаси	Янгитдан бунёд бўлган жой бўлгани учун. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
14.	Номсиз янги тор кўчалар	Янгикўрғон 1,2,3,4,5,6,7,8,9-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
15.	Номсиз янги берк кўча	Янгикўрғон берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
16.	Номсиз янги кўча	Катта Ҳасанбой кўчаси	Жойнинг тарихий номи. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
17.	Номсиз янги тор кўчалар	Катта Ҳасанбой 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
18.	Номсиз янги берк кўча	Катта Ҳасанбой берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
19.	Номсиз янги кўча	Зоғариқ кўчаси	Жойдан ўтган қадимги ариқ номи. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
20.	Номсиз янги тор кўчалар	Зоғариқ 1,2-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
21.	Номсиз янги кўча	Беназир кўчаси	Ўз маъносидида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
22.	Номсиз янги берк кўчалар	Беназир 1,2- берк кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
23.	Номсиз янги тор кўчалар	Аҳроробод 4,5-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
24.	Янги берк кўчалар	Аҳроробод 3,4,5-берк кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи
25.	Номсиз янги кўча	Юқори Салор кўчаси	Кўча Салор каналининг юқори қисмида жойлашгани учун. «Обод» маҳалласи
26.	Номсиз янги тор кўчалар	Юқори Салор 1,2,3,4,5,6,7-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обод» маҳалласи
27.	Номсиз берк кўча	Юқори Салор берк кўчаси	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обод» маҳалласи
28.	Номсиз янги кўча	Юқори Бўзсув кўчаси	Кўча Бўзсув каналининг юқори қисмида жойлашгани учун. «Обод» маҳалласи
29.	Номсиз янги тор кўчалар	Юқори Бўзсув 1,2,3,4,5,6,7,8-тор кўчалари	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида. «Обод» маҳалласи
30.	Қодир Маҳсумов кўчаси	Матонат кўчаси	Шу номдаги ёндош маҳалла номига уйғунлаштириш мақсадида. «Турон» маҳалласи
31.	Убай Орифов кўчаси	Халқобод кўчаси	Жойнинг тарихий номи. «Турон» ва Мирзо Улуғбек маҳалласи
32.	Халқобод кўчаси	Халқобод 6-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. Мирзо Улуғбек маҳалласи
33.	Убай Орифов 1-тор кўчаси	Халқобод берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. Мирзо Улуғбек маҳалласи
ЯККАСАРОЙ тумани бўйича:			
34.	Носир Умурзоқов кўчаси	Ўрикзор 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. Абдулла Авлоний ва «Ўрикзор» маҳалласи
35.	Шопўлат Абдуллаев 1-берк кўчаси	Ракат берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. Абдулла Авлоний маҳалласи
Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизими бўйича:			
36.	Х.З.Каланов номидаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежи	Юнусобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи	Коллеж номини тартибга келтириш мақсадида
37.	М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи	Тошкент тиббиёт коллежи	Коллеж номини тартибга келтириш мақсадида
38.	А.А.Хўжаев номли Республика дизайн коллежи	Республика дизайн коллежи	Коллеж номини тартибга келтириш мақсадида
Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тизими бўйича:			
39.	Янги маданият ва истироҳат боғи	«Болажон» маданият ва истироҳат боғи	Ушбу маданият ва истироҳат боғи болажонларга мўлжалланганлиги учун

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
Географик объектларни номлаш ва
қайта номлаш бўйича комиссияси

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 239/4-25-сон қарорига

ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуасининг 2013 йил 30 майдаги 03-786-сонли мурожаатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 239/4-25-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмолат моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими (Р.Раимов), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (У.Баходиров), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев):

бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида ўзгартиришларни жорий этиш юзасидан белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилиши таъминлансин.

3. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов

2013 йил 9 июль

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашининг 2013 йил 9 июлдаги
қарорига илова

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 239/4-25-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 239/4-25-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошиси ва 3-илованинг номидаги «худудида» сўзи «балансидида» сўзи билан алмаштирилсин;

2. Қарорга 3-илованинг жадвалидаги 4 ва 13-позициялари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Бозорлар ва савдо комплекслари номи	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	Нооziқ-овқат маҳсулотлари сотиш	Умумий овқатланиш тармоқлари учун	Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун	Бошқа турдагилар учун (омбор, офис, до-рихона, пайнет ва х. к.)
4. Миробод деҳқон бозори	32,5	39,0	39,0	19,5	26,0
Бинопларнинг 2-каватида ва ертўла қисмида жойлашган ҳамда асосий бозордаги 100 та дўкон	32,5	30,0	30,0	15,0	20,0
13. Кўйлиқ деҳқон бозори	40,0	40,0	40,0	25,0	25,0
Бинопларнинг 2-каватида ва ертўла қисмида жойлашган	24,0	27,0	27,0	10,0	11,0



Олис тоғли қишлоққа жуда узоқ Европадан меҳмон келди. Оқсоқоллар ажнабийнинг тилини тушунмай ҳайрон, уни эргаштириб келган талаба йигит эса қишлоғини, бағридарё одамлари феъл-атворини тасвирлаш билан оввора. Шу тариқа кун оға бошлади. Қишлоқда қуёш ботиши бир гўзал. Жаноб меҳмон умрида бундай соҳир манзарани кўрмаганлигини уқтирмақда, кўзлари ёнмоқда, қалби қайнамоқда. Шу тариқа улар ҳовли ўртасида ўсган ўрик дарахти тагига ўрнатилган чорпоёда уйкуга кетишди.

СПОРТ МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАЙДИ

Эрта тонг. Қуёш эндигина бош кўтариб, илк заррин нурларини қишлоқ узра сочаётган бир вақтда талаба йигит меҳмоннинг ҳайрат завқи тўла сўзларидан уйғониб кетди. Кўзларини уқалаб меҳмон кўрсатаётган томонга қаради. Тоғ чўққиси поёнида адрасдан тикилган бир хил спорт кийимида ҳаракатланаётган қизларга кўзи тушди. Ёпирай, эрта тонгдан улар нима қилишмоқда? Меҳмон ҳайратда, талаба ҳайрон. Аммо бу инглиз жанобига изоҳ зарур эди. Шу боис, талаба ҳовли четида сут пишираётган оналидан сўради. Маълум бўлишича тоғли қишлоқ қизлари ўзбек жанг санъати билан шуғулланишар экан. Бунга ҳам бир-икки йил бўлибди. Ҳатто улар шу қисқа вақт ораллиғида ўзбек жанг санъатини Европа бўйлаб таништириш ҳам улғурди. Хусусан, шу йил март ойида Францияда бўлиб ўтган миллий жанг санъатлари фестивалида ҳам иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни кўлга киритишди. Талабамиз шуларни меҳмонга ҳикоя қилиб берад экан, албатта, ўзбек жанг санъати ҳақида кўпгина маълумотларга эга-лиги, аммо, шу қичқил-қичқилда ҳам шундай баркамол ва жасур қизлар борлигини билмаслигидан уялгандай бўлди.

Инглиз меҳмонни қишлоғига етаклаган ёш талаба дўстимиздан эшитган бу қичқил, лекин қишга фахр бағишлагувчи воқеа эса бизни Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази сари бошлаб борди. Марказ фаолияти билан яқиндан танишиш асносида Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида спортга қаратилган улкан эътибор, миллий спорт турлари истиқболлари, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга бўлган сый-ҳаракатлар ҳаёлимиз саҳнасида чиқди.

2004 йилда ташкил топган Ўзбекистон Шарқ яққа-рашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази бугунги кунда 27 спорт федерацияларини ўзида бириктирибди. Марказ ушбу федерациялар фаолиятини янада жонлантириш, уларга яқиндан ёрдам бериш, миллий спорт турларини дунёга тарғиб қилиш, ва, умуман, аҳолини соғломлаштириш каби масъулиятли вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Сир эмаски, бугунги глобализм даврида дунёнинг кўп-кўп ривожланган мамлакатлари ҳам гоёлар уруши билан тўқнаш келиб, маънавий етуклиги бой бериб қўймоқда. Бугун дунёни ларзага солаётган «оммавий маданият» оқими эса ёшларнинг турли номақбул йўлларга тушиб қолишига, маънавий қашшоқликка олиб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази Бош қотиби ўринбосари Карим Давлатмевдов. — Спорт эса бундай таҳликали вазиятда бизга тўғри йўл кўрсатади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда спортга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли фарзандларимиз

соғлом, чиройли ва ҳар томонлама бақувват бўлиб вояга етмоқда. Бунда миллий спорт турларининг катта ўрни борлиги яхши маълум. Биламики, спорт орқали ҳар бир мамлакат ўзини дунёга тарғиб қилади. Полвонлари эришган ютуқлардан фахрланиб юради. Шунингдек, спорт орқали мамлакатда сайёҳлик индустрияси ҳам ривож топади. Энг муҳими эса, қайси юртда тинчлик, фаровонлик ва хотир-жамлик ҳукм сурса, ўша ҳудудда тараққиёт яшайди, барча соҳалар қатори спорт ҳам ривож топади. Ва шундагина ғалабалар нашидаси татийди. Демак, спорт тинчлик ва тараққиёт элчиси ҳамдир.

Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази томонидан амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ишлар мисолида аёниқ, бугун Ўзбекистондан бошқа мамлакатлар ўрнатилмоқда, биз эришган ютуқ ва натижаларга ҳавас билан интиломоқда.

Ҳабарингиз бўлса, шу йилнинг 23 март кuni «Ўзбек жанг санъати» миллий федерацияси терма жамоаси Франция пойтахти Парижда ўтказилган 28-Бутунжаҳон яққа-рашлар фестивалида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни кўлга киритиб қайтишди. Мазкур фестивалда дунёнинг кўп-кўп мамлакатларидан келган миллий спорт федерацияси вакиллари, тажрибали мутахассислар бизнинг жанг санъатимизга ҳайрату ҳавас билан боқиб, уни ўрганиш ва ўзларига ҳам тарғиб қилиш истагини билдиришдан эдилар. Яқинда эса бу истақ ҳам амалга ошди. Франциядан ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассислар юртимизда бўлиб, ўзбек жанг санъати ҳақида электрон ўқув-қўлланма ҳамда электрон дарслик тайёрлашди. Энди бу ўқув қўлланмалар бутун жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарқатилади ва ўзбек жанг санъати сир асрорларидан, фалсафаси ва шуқуҳидан дунё халқлари, хусусан, ёшлари ҳам баҳраманд бўлишадди.

— Жорий йилнинг 18 май кuni Самарқанд шаҳридаги «Муъжиза» амфитеатрида Ўзбекистон Хаваскор ва профессионал муайтай Ассоциацияси томонидан ташкил қилинган муайтай бўйича «Буюк Ипак йўли» иккинчи халқаро турнирининг финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди, — дея сўзидан давом этади Карим Давлатмевдов. — Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этган Жаҳон Муайтай Хаваскор Федерацияси, Муайтай Умумжаҳон иттифоқи президенти, Спорт Аккорд халқаро ташкилот раҳбари, Таиланд Қироллиги Парламентининг Спорт қўмитаси раиси ўринбосари ва чет эллик спортчилар ҳамда халқаро мутахассислар юртимизда амалга оширилаётган улкан иш-хотлар қўламини, ёшлар спортини қаратилаётган эътибордан ҳайратланиш янада оқиломиди. Улар учун Самарқанд шаҳридаги, пойтахтимиз Тошкентдаги тарихий қадамжолар, музейлар, диққатга молик жойларга ташкил этилган саёҳат эса қутилмаган совға бўлди дейиш мумкин. Демак,



«Буюк Ипак йўли» туркумидаги бу спорт байрами ўз навбатида дўстона алоқаларни ўрнатишга, Ватанимиз бой тарихини, буюк келажагини дунё афқор оммасига етказиш йўлида ҳам катта хизмат қилади.

Фикримизни давом эттириб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази қошида бир неча йиллардан бунён фаолият кўрсатаётган «Мардлар» клуби олиб бораётган хайрли ишлар ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда ушбу клуб аъзолари «Хапкидо» спорт тури билан шуғулланиб, жисмоний ва руҳий қамолотга етмоқда. Эътиборлиси клубда «Хапкидо» спорт тури билан 5 ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Бу ерда спортсеварлар билан тажрибали мутахассис 8-дан қорабелбоғ соҳибни, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази Бош қотиби Эдуард Ли машгулотлар ўтади.

— Мазкур спорт тури аввало, танани, сўнгра руҳни поклайди, — дейди суҳбатимиз давомида Эдуард Ли. — Яна шуниси эътиборлики, хапкидо билан шуғулланиш инсон учун мутлақо хавфсиз. Клубимиз аъзоларидан жуда кўпчилиги илк мартаба келишганда, баъзи хасталиклардан шикоят қилишади. Мунтазам шуғулланиш давомида эса безовта қилган хасталиклардан мутлақо фориғ бўлишади. Бу ҳам спортнинг инсон ҳаёти учун энг фойдали хусусиятларидан бири.

Шунингдек, Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллий спортларимизни дунёга танитиш борасида сый-ҳаракатларни босқичма-босқич дастур асосида амалга ошириб келмоқда. Жумладан, яққа-рашлар турлари бўйича малакали мутахассис ва мураббийлар тайёрлаш амалиёти ҳам доимий диққат марказида турибди. Бу борада хориқлик мутахассислар тажрибасидан ҳам фойдаланиш яхши самара бермоқда. Марказ мутахассислари маълум қилишларича, ҳар йили юртимизга бир неча тажрибали мураббийлар жалб этилиб, улар билан тажриба алмашилмоқда. Эътиборлиси ушбу мақсадлар ижобиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳам Марказга амалий ёрдамлари билан қўмакчи бўлиб келишмоқда. Зеро, биз эришяётган ютуқлар, у хоҳ спорт, хоҳ маданият ё бошқа йўналишда бўлсин, аввало, Ватанимиз манфаати, келажақ авлодларимиз истиқболи, ободлик ва фаровонлигимиз учун хизмат қилади. Ўзбекистон Шарқ яққа қурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш Маркази фаолияти ва мақсади ҳам шу фалсафа билан йўғрилгани қувонарли ҳол.

Улуғбек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 11307-сонли ижро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «Ваз 2102» д.р. 10 J 607 DA. Бошланғич баҳоси — 2 547 000 сўм.
2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 03.01.2013 й. № 1-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Даймлербенц» д.р. 20 P 4444. Бошланғич баҳоси — 52 746 383 сўм.
3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 9209-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Газ 31029» д.р. 11 Z 6117. Бошланғич баҳоси — 2 494 868 сўм.
4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 11308-сонли ижро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «Газ 24» д.р. 11 T 8238. Бошланғич баҳоси — 1 493 459 сўм.
5. Бекободшаҳар МЧК оморида сакланмоқда.
6. Ўртачирчиқ СИБ томонидан 11.10.2012 й. № 1229/9534-сонли ижро ҳужжати асосан «Трансформатор ТАМ 1000/10 квт». Бошланғич баҳоси — 44 096 000 сўм.
7. Ўртачирчиқ тумани, Кумовул қ.ф.й., Паркент тракт кўчаси, 15-уйда сакланмоқда.
8. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-сонли ижро ҳужжати асосан 2001 й. и.ч. «Нексия-GLE» д.р. 10 925 LAA. Бошланғич баҳоси — 19 095 000 сўм.
9. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 ва 08.11.2012 й. № 11-1229/15554-сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Автомар КС-35625» д.р. 11 AC 399. Бошланғич баҳоси — 9 595 000 сўм.
10. Пискент тумани, Пахта тозалаш заводи ОАЖда сакланмоқда.
11. Паркент тумани СИБ томонидан 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Газ 5204» д.р. 10 A 786 BA. Бошланғич баҳоси — 1 717 841,7 сўм.
12. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 21.09.2012 й. № 104/12/6028-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Ваз 21061» д.р. 01 W 937 FA. Бошланғич баҳоси — 2 493 346,8 сўм.
13. Паркент тумани, ХАТП 23-сонли автогражда сакланмоқда.
14. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Венко» д.р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси — 93 704 987,55 сўм.
15. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Hatsan» д.р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси — 49 350 514,5 сўм.
16. АРК бўлоқ ТИФ пости ҳудудида сакланмоқда.
17. Аукцион савдоси 2013 йил 1 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.
18. Чиноз тумани СИБ томонидан 20.04.2012 й. ижро ҳужжати асосан 2007 й. и.ч. «Дамбо Цин-и» д.р. 10 G 075 EA. Бошланғич баҳоси — 13 950 000 сўм.
19. Аукцион савдоси 2013 йил 19 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.
20. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин.
21. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кuni қолганда соат 16:00 да тўхтаилади.
22. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТБШ Шайхонтоҳур филиалида қийидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион қилиб олиш учун автотранспорт воситаси ва мулк қийимати 5 банк кuni мобайнида тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуфобод тумани, 17-дахра, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

«TOTAL ESTIMATE» МЧЖ корхонаси устав фонди 215 063 000 сўмдан 198 975 000 сўмга ўзгарганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бир ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 233-06-59.

«WHEAT FLOUR PROD» масъулияти чекланган жамияти (ИНН: 302287535), Жамият устав фондининг 3 200 000 сўмга қадар қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ-кўчаси, 85-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани ижтимоий иқтисодиёт коллежи томонидан 2011 йил 30 июнда Ўбайдуллаева Феруза Хикматулла кизи номига берилган 347 рўйхат рақамли, К№2209501 сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Улфат кўчаси, 43-уйда яшовчи Ташпулатов Шавкат Абдуллаевич номига берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели энгил саноат касб-хўнар коллежи томонидан 2004 йил 24 июнда Назарова Камола Рихситуллаевна номига берилган 901 рўйхат рақамли К№ 067188 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицей томонидан 2008 йил 20 июнда Сатторов Акмал Акбаралиевич номига берилган №52 рўйхат рақамли, О'Р-Ш-№0925842 сонли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Зангиота тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи томонидан 2008 йил июнь ойида Шамсутдинова Мастура Абдулазизовна номига берилган №234 рўйхат рақамли К№1137718 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

36-38 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиллишига имконият яратмайди. Шар-роқда атмосфера-нинг инфо-қатдан секундида 3-8 метр тез-ликда шомол эсади. Ҳарорат —20-22, кундузи —

Тошкент шаҳрида 17 июль кuni ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёнғинларчиқ бўлмайди. Шар-роқда атмосфера-нинг инфо-қатдан секундида 3-8 метр тез-ликда шомол эсади. Ҳарорат —20-22, кундузи —

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Футбол

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат XXII миллий чемпионатининг биринчи даврасини якунлашди.

Шуни айтиш жоизки, жорий йилги биринчилик баҳсларида ҳам 14 та жамоа иштирок этмоқда. Пойтахтимиз шарафини «Бунёдкор», «Локомотив», «Пахтакор» жамоалари ҳимоя қилишмоқда.

Ўтказилган 13 та тур якунларига кўра чемпионлик учун кураш асосан «Бунёдкор» ҳамда «Локомотив» жамоалари ўртасида кечадиغان кўринди. Чунки биринчи даврани «Бунёдкор» 34 очко билан якунлаб турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган бўлса, пешқадамни изми-из таъкиб этаётган «Локомотив» ҳисобида 32 очко бор.

Амалдаги мамлакат чемпиони «Пахтакор» эса Туркияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашаётган футболчиларисиз қолган кейинги турларда кетма-кет мағлубиятга учради. Шу кунгача беш марта мағлубият аламини тотиб кўрган Мурод Исмоилов шо-гирдларига жорий йилда совриндор бўлиш насиб этадими ёки йўқми? Ҳар ҳолда буни вақт кўрсатади.

Турнир жадвалида учинчи ўринни етакчи жамоалардан бири «Насаф» эгаллаб турибди. Шуниси қизиқчи, қаршиликлар «Пахтакор»дан етти очкога ўзиб кетишган.

Шунингдек, «Металлург», «Олмалик», «Бухоро» жамоалари ҳам иккинчи даврада янада сермазмун ўйин намойиш эта олишса совриндор бўлишлари мумкин.

Биринчи давра якунларига кўра турнир жадвалининг энг сўнгги погонасини «Қизилқум» эгаллаган. Ундан олдинги ўринлардан бораётган «Динамо», «Шўртан» ҳамда «Нефтчи»га ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Агар бу жамоалар иккинчи даврада сермазмун ўйин на-

мойиш эта олишмаса, келгуси йили кучли-лар сафини тарқ этишлари мумкин.

Шу кунгача тўпурлар рўйхатини «Локомотив» ҳамда миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Фарход Тожиев карвонбоши сифатида бошқармоқда. У рақиблири дарвозасини 17 марта аниқ нишонга олган ва таъкибчиси Пишурдан 5 та голга ўзиб кетган.

Хулоса қиладиган бўлсак, жорий йилги баҳслар қизиқарли, муросасиз курашларга бой кечмоқда. Чемпионат савияси ҳам анча кўтарилган-лигини пайкаш қийин эмас. Бироқ стадионларга томошабинларнинг келишини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Нима бўлганида ҳам биз иккинчи даврада футбол клубларидан янада сермазмун, шиддатли ўйинларни кутиб қоламиз.

Энди эътиборингизга турнир жадвалини эълон қиламиз.

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	«Бунёдкор»	13	11	1	1	31-4	34
2	«Локомотив»	13	10	2	1	33-12	32
3	«Насаф»	13	9	2	2	32-14	29
4	«Пахтакор»	13	7	1	5	14-9	22
5	«Металлург»	13	7	1	5	17-16	22
6	«Олмалик»	13	5	4	4	20-15	19
7	«Бухоро»	13	6	1	6	16-21	19
8	«Навбахор»	13	4	3	6	14-19	15
9	«Гулистон»	13	4	2	7	9-22	14
10	«Нефтчи»	13	4	1	8	14-17	13
11	«Сўғдиёна»	13	4	1	8	14-28	13
12	«Динамо»	13	2	5	6	11-21	11
13	«Шўртан»	13	3	1	9	8-18	10
14	«Қизилқум»	13	2	1	10	14-31	7

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Кўргазмалар

ТАРИХИЙ ЭКСПОНАТЛАР ЎЙИН ОЛГАН

Кампиртепа, бу — қадимий шаҳар харобаси бўлиб, Амударёнинг ўнг соҳилида, Сурхондарё вилояти-нинг Шўроб қишлоғидан 0,5 километр ғарбда, Термиздан 30 километр жанубда жойлашган. Кампиртепа қалъа ва ундан ғарб ва шарқ томонда жойлашган, атрофи девор билан ўралган қалъага тегишли қисмдан иборат. Ғарбдан шарққа томон умумий узунлиги 750 м. Шимолдан жанубга 200-250 м. Қалъанинг сакланма қолган қисми 4 гектар майдонни ташкил қилади. 1972 йил Э. Ртвеладзе томонидан топишган ушбу ёдгорликда 30 йил давомида изланиш ишлари олиб боришган. Ҳозирги кунда унинг 70 фоиз ҳудуди ўрганиб чиқилган. Мутахассисларнинг айтишича, Кампиртепа қалъасини консервациялаш ва реконструкция қилиш тажрибаси Марказий Осиё ҳудудидagi энг катта муваффақиятли ишлардан ҳисобланади.

Тиклаш ишлари қадимий қурилиш усулларини максимал даражада ишлатиш йўли билан бажарилган. Ҳом гишт қилиш учун қалъа деворларининг пастки қисмидан сариқ тупроқ олиниб, тайёрланган гишт жойида қурилишдан тейёрланган қорилишма устига ётқизиб чиқилди. Бир неча йил давомида Кампиртепа-нинг 3 та минораси ва фортификация тизимидаги қалъа девори шарқий тарафининг 4 метрча баландликдаги ва 110 метр масофадаги жойи, шунингдек, дарвозадан 3-минорага борадиган шаҳар квар-

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9220 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жоилардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва сақланган

Нашр учун масъул Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили